Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 7 июль, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 54 (7147)

Da`vat

Энг мақбул фазилат ватанга ва одамзодга кўрсатилган хизматда акс этади.

Жак ДЕЛИЛЬ

Ibrat

Жиззах шаҳри марказида ташландиқ аҳволда ётган чўмилиш ҳавзаси вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ихтиёрига берилгач, бу ерда катта ободончилик ишлари бажарилди. Эндиликда чиқиндилардан тозаланиб, қирғоқларига қум тўшалиб, соябонлар ўрнатилган ҳовуз аҳолининг севимли ҳордиқ масканларидан бирига айланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ БАКАЛАВРЛАРИГА

Азиз ўғил-қизларим!

Барчангизни ҳаётингиздаги унутилмас қувончли кун – мустақил Ватанимиз тарихида биринчи бўлиб бакалаврлик дипломига сазовор бўлганингиз билан чин қалбимдан табриклайман.

Сиз бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қалдирғочларисиз. Халқимиз орзу қилаётган баркамол авлод вакиллари сифатида ҳар бирингиз муқаддас Ватанимизга садоқатли, эл-юртимизга фидойи фарзандлар бўлиб яшашингизга ишонаман.

Олим бўлиш осон, лекин одам бўлиш қийин. Аввало ота-боболаримиздан қолган маънавий қадриятларимиз ва урф-одатларимизга содиқ бўлиш, Ватанимизни ҳар қандай ёвуз кучлардан, хавф-хатарлардан, бало-қазолардан асраш, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялаш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Мен сизларга катта ҳавас билан қарайман. Негаки, сизлар одамларимиз учун муносиб ҳаёт барпо этишга, жамиятни янгилашга қаратилган туб ислоҳотлар даврида яшаяпсиз. Ҳар бир инсон, айниқса ёш авлод учун Оллоҳ берган ақл-заковатини ва куч-қудратини тўла намоён этиш учун барча йўллар ва имкониятлар очилаётган, интилиш, изланиш ва тадбиркорлик тушунчалари ҳукмрон бўлиб турган масъулиятли даврда яшаяпсиз.

Ишончингиз комил бўлсинки, олган билимларингиз, ҳаётни ўзгартириш ва яхшилаш йўлидаги жўшқин интилишларингиз рўёбга чиқишида, Ўзбекистонимизнинг жаҳоннинг тараққий топган давлатлари қаторидан ўрин олиши йўлидаги меҳнатингизда мен сизларга ҳар доим таянч ва суянч бўлишни ўз бурчим деб биламан.

Азиз болаларим, фарзандларим!

Асл миллий қадриятларимизга хос ота-онага ҳурмат, оилани эъзозлаш ва мустаҳкамлаш, эл-юрт назарида эътибор қозониш каби олижаноб фазилатлар сизларга доим ёр бўлсин. Ҳар бирингизга буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлиш насиб этсин.

Сизларни яна бир бор бағримга босиб, чин қалбимдан табриклаб, бахту саодат, ҳаётингизда катта-катта омад ва зафарлар тилайман.

Оллоҳ сизларни ҳамиша ўз паноҳида асрасин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ихтиёрий ёш дафтарига

ҲАР КИМНИКИ ЎЗИГА...

Хитойлик мутахассисларнинг таъкидлашларича, таёқча билан овқатланиш инсон саломатлиги учун кони фойдадир. Кишидан ғоятда эпчилликни талаб қиладиган бу машғулот организмдаги кўпгина мушак толаларига ва ўттизта асаб нуқтасига таъсир қилади ҳамда мушак ва асаб тизимлари фаолиятини яхшилайди.

ҚАЙСИ ПАЙТ МАҚБУЛ?

Уйқунинг ҳам ўз мавриди бор, дейишмоқда америкалик олимлар. Уларнинг фикрича, киши организми учун энг фойдали уйқу кундуз, соат 14ларда келадиган мудроқликдир. Бу вақтда озроқ мизғиб олиш ҳатто тунги уйқудан ҳам мақбул экан.

МУТАХАССИСЛАР ЭЪТИБОРИНИ ҚОЗОНДИ

Латвия нейрожарроҳлик маркази ходимлари томонидан яратилган янги биологик елим кўплаб мутахассисларнинг эътиборини қозонмоқда. Қоннинг таркибий қисмларидан олинадиган бу модда артерия тармоқларини улашда ва бош мия жарроҳлигида муваффақиятли қўлланила бошланди.

ЎЗГАРУВЧАН ВИРУС

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, кўп сонли Хитой аҳолисининг учдан икки қисми бугунги кунда гепатит С туфайли азият чекмоқда. Гепатит С билан шуғулланувчи олимлар, бу вирус жуда ўзгарувчан бўлганлиги туфайли, уни йўқотиш учун ҳеч қандай вакцина яратиш мумкин эмас, деган фикрни билдиришмоқда.

JUMLADA JAHON

• Англияда бўлиб ўтган теннис бўйича мусобақаларнинг энг нуфузлиси ҳисобланган Уимблдон турнирида қизлар орасида ғолибликни қўлга киритган ҳамюртимиз Ирода Тўлагановага Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўзининг самимий миннатдорчиликлари, эзгу ниятлари битилган мактубини йўллади.

• Исроил Бош вазири Эхуд Брак ўз маҳкамасидаги бир неча вазирларни, яъни Давид Леви ташқи ишлар вазири, Эхуд Бракнинг ўзи эса Мудофаа вазири лавозимини эгаллашини ҳамда Шмон Перисга минтақавий ривожланиш вазири лавозимини таклиф этганлигини маълум қилди.

• Украина Президенти Леонид Кучма ва Россия Президенти Борис Ельцин ўртасида ўтган якшанбада бўлган норасмий учрашувда иқтисодий ва сиёсий соҳадаги кўпгина масалалар, халқаро вазият ҳамда Днестр бўйидаги муаммолар бўйича уч томон (Украина, Россия, Молдавия) учрашуви муҳокама қилинди.

• Илгари АҚШ маъмуриятида, бундан аввалроқ эса шу мамлакат молия вазирининг ўринбосари вазифасини бажарган Рональд Нобл саккиз номзод ичидан ғолиб чиқиб, Интерполнинг янги Бош котиби этиб сайланди.

МИЛЛИЙ ДАСТУР ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

Qutlug' ostona

Диплом... Мутахассисликни исботловчи ҳужжат.

Унга эга бўлмоқ учун 4-5 йил заҳмат чекмоқ керак. Заҳмат эса ўқиш, дарсларда соатлаб лекция тинглаш, балл тўплаш, имтиҳон топшириш, кутубхонада китоб варақлаш ва ҳоказо...

Дипломнинг қадр-қиммати ана шулар билан ўлчанади. У қўлга теккандаги ҳаяжонни табиий ҳол деб қабул қиламиз. Шунча йиллик ўқиб-ўрганишнинг «мева»сини бир умр авайлаб сақлаш, «акс-садо»сини шахсий манфаатларни жамиятники билан уйғунлаштирган ҳолда қайтариш керак бўлади.

... Бир гуруҳ талабаларга топширилиши мўлжалланган бу дипломнинг юзасида «Bakalavr diplomi» деган ёзув кўзга ташланади. Муқоваси қалингина бўлиб, тўқ кўк рангда, ичига талабанинг исми-шарифи, ўқув юрти, эгаллаган мутахассислиги лотин имлосига асосланган ўзбек алифбосида ва инглизчада чиройли ҳуснихат билан битилган.

Ўзбекистоннинг биринчи бакалаврлари...

Улар ўша куни пойтахтдаги «Туркистон» саройининг муҳташам залига тўпланган эдилар. Лабларидан табассум аримаётган бу йигит-қизлар «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ, турли олий ўқув юртларининг бакалавр босқичини имтиёзли диплом билан тугаллаш бахтига муяссар бўлишди.

Анжуманни кириш сўзи билан очган Бош вазир ўринбосари Ҳамидулла Кароматов жумладан шундай деди:

— Залга йиғилган ўғил-қизларимизнинг барчаси хурсанд. Чунки улар Ўзбекистоннинг биринчи бакалаврлари орасидан саралаб олинган имтиёзли диплом соҳибларидир. Ўйлаймизки, улар ўз билим ва заковатларини юртимиз истиқболига бахшида этишади.

Олий ва ўрта махсус таълими вазири Саидаҳрор Ғуломов Президентимизнинг имтиёзли битирувчиларга йўллаган табрик хатини ўқиб эшиттирар экан, зал олқишлардан тўлқинланди. Табрик хати ёшларга умид ва ишонч руҳи билан йўғрилгани боис, кўтаринки бир кайфият вужудга келди. Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Тўхтапўлат Рисқиев талабаларнинг қўлини сиқиб, дипломларни топширганида эса ҳавас туйғуси бояги кайфиятнинг таъсирини янада ошириб юборди.

Дарвоқе, имтиёзли дипломнинг намунавий нусхалари ўша куни 30 нафар энг фаол талабаларга тақдим этилди. Республикамиз олий ўқув юртларидаги 241 та бакалаврлик ихтисослиги бўйича пухта билим олган талабалардан 1986 нафари ана шу дипломга лойиқ деб топилган. Қолган битирувчиларга ўз ўқув юртларида бакалаврлик дипломини тантанали суратда топшириш кўзда тутилмоқда.

Анжуман сўнгида ТошДУ талабаси Жамшид Фаёзов сўзга чиқиб тенгқурлари номидан ўзларига билдирилган умид ва ишончни оқлашга ваъда берди.



Суратларда: *анжумандан лаҳзалар.*
Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Х. ТЎЙМАНОВА,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

ШАҲОДАТНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Дунё тилларидан саналган араб тилини ўрганувчи 50 нафар ўқувчига Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси Фан ва таълим маркази томонидан шаҳодатномалар топширилди.

— Ўқув даргоҳимизнинг учинчи битирувчилари тўрт йил давомида видео ва кўргазмали куроллар асосида ўзбек ва араб ўқитувчиларидан сабоқ олишди, — деди марказ раиси доктор Сами. — Мен ишонаманки, улар Ўзбекистон манфаати ва халқларимиз дўстлиги йўлида хизмат қиладилар.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган ушбу Фан ва таълим маркази Ўзбекистон ҳамда Миср давлатлари олий таълим вазирликларининг шартномаси асосида очилган. Шунингдек, Наманган, Самарқанд ва Тошкентдаги чет тиллари университетларида ҳам араб тили марказлари ишлаб турибди.

«Туркистон-пресс»

ФИДОКОР ЗИЁКОРЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Яқинда Фарғона вилояти Бағдод тумани халқ таълими бўлимига қарашли Беруний номидаги 11-ўрта мактабда ўзгача бир тароват ҳукмрон бўлди. Бу кун мактабда туманнинг «Ҳазиний» ширкатлар уюшмаси ҳудудидаги 41-, 12-, 32-ўрта мактабларнинг умумий анжумани утказилди. Тадбирда мактаблар раҳбарлари, илғор ўқитувчилари иштирок этдилар. Анжуманни туман ХТБ мудираси Дамира Юсупова ўз кириш сўзи билан очиб берди. Маросимда тўрттала мактабнинг энг илғор, энг фаол ўқитувчилари мактаб раҳбариятлари ва туман ХТБ томонидан тақдирландилар.

Туман маданият уйининг Исоқжон Мадраҳимов ва Иномжон Йигиталиевлар бошчилигидаги бадиий дастаси дилрабо қўшиқлар билан анжуман иштирокчилари кўнглини хуш айлади. Тақдирланган фаол ўқитувчилардан бири Холиқжон ака Холмирзаев биз билан суҳбатда шундай деди:

— Ўтиш даврининг ҳозирги қийин кунлари фақат рўзғор ташвишлари билангина ўралашиб қолмасдан, ўз соҳаси бўйича ҳам илғорликни қўлдан бермаётган фидокор ўқитувчиларнинг бугун ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилиши уларнинг кўнглини кўтарди, янада янги ташаббусларга ундади.

— Ҳа, бугун мактабда, таълим соҳасида тинимсиз меҳнат қилаётган заҳматкаш зиёкорлар тақдирланди, эзъозда бўлди. Уларнинг кўнглида янги интилишлар уйғонди, истиқболга бўлган ишонч янада мустаҳкамланди.

Гулнорахон ЙИГИТАЛИЕВА,
Фарғона Давлат университетининг чет тиллар факультети 3-босқич толибаси

ЮНЕСКО КАФЕДРАСИ

Мамлакатимиздаги ўқув юртларининг халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги ўзининг янгидан-янги уфқларини намоён этмоқда. Самарқанд Давлат меъморчилик қурилиш институтида ЮНЕСКО кафедрасининг очилажаги ҳам бунга бир мисол. Янги кафедрага шу кунларда замонавий техника воситаларининг дастлабки туркуми топширилди.

Янги кафедраЎзбекистондаги тарихий меъморчилик марказларини асраб- авайлаш, уларни келгуси авлодларга етказиш ва шаҳарсозлик муаммоларини ижобий ҳал этиш ишига кўмаклашади. Унда асосан илмий тадқиқотлар билан шуғулланувчи ходимлар ўқитилиб, маҳаллий ҳокимиятларга кўмаклашувчи мутахассислар тайёрланади.

Матназар ЭЛМУРОДОВ

Faxr

ДУНЁГА ОСИЁДАН НАВО ТАРАЛДИ

«Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига бағишлаб яқинда Термиз шаҳрида ўтказилган ва 200 нафардан ортиқ иштирокчи жам бўлишган Марказий Осиёнинг бахши шоир ва оқинлари кўрик - танловида иштирок этиб, фахрли 3-ўринни эгаллаган бахши ҳали мактаб ўқувчиси эканлигини биласиз-ми?..

Мен бахши йигит Акбар бахши Абдисодиқ ўғлини қидириб, Нишон туманига йўл олдим. Мезбонлар бизни «Самарқанд» жамоа хўжалигига, яна аниқроғи, шу жамоанинг қўли гул боғбон ва деҳқони Абдисодиқ ака Юсуповлар хонадонига бошлаб келишди.

— Келинг, келинг! Уйга тортаберинг... Шу кеча денг, бир туш кўриб эдим. Худога шукур! Тушим хайрли бўлди, мана уйимизга меҳмон келди, — дея хонадон соҳиби бизни илиқ кутиб олди.

Қашқа воҳасининг узоқ тоғли Деҳқонобод туманининг Ҳамид Олимжон жамоа хўжалигидан кўчиб келишиб, шу манзилда ўтроқлашиб қолишган ўзбекнинг қўнғирот уруғига мансуб бу ерлик аҳоли қадим-қадим аждодлар урфини йўқотишганлари йўқ. Қўнғиротлар урфига кўра хонадонга ташриф буюрган меҳмонга уй эгаси ҳурмат юзасидан «сўранг» дейди. Сиз сўрайсиз: «Аҳволлар яхшими, бола-чақангиз соғомон юришибдими? Қўниқўшни ҳаммалари соғ-саломатми?...» Пойгакда турган мезбон эса қўл қовуштирганча «Худога шукур! Худога шукур!...» дея Аллоҳ Таоло номига ҳурмат бажо келтириб туради. Сўнгра мезбон сиздан «сўрайди». Уйга нечта меҳмон келган бўлса, бу «сўрашиш» бирин - кетин тартиб билан амалга оширилади.

Хуллас, биз ҳам уй соҳиби Абдисодиқ ака билан, сўнг ўғли — ёш бахши шоир Акбаржон билан «сўрашиб» олдик. Дастурхон атрофидаги гурунг давомида ёш бахши шоир, Нишон туманидаги Муқимий номли 19-ўрта мактабнинг ўнинчи синф ўқувчиси Акбар бахши Абдисодиқ ўғли билан дилдан суҳбатлашдик.

(Давоми 2-бетда)

Aks-sado

ҒАМХЎРЛИККА ЯРАША МАСЪУЛИЯТЛИ БЎЛАЙЛИК!

Давлатимиз Президенти Ислом Каримов келажак авлодга — биз ёшларга катта ишонч ва умид билдириб, шуурримизга, онгимизга Ватанга меҳр-садоқат туйғусини, ўзлигимизни англашни, миллий қадриятларни сингдиришни асосий вазифа қилиб қўяётган бир даврда айрим ёшларимиз онгсизлик, иродасизликдан ҳар хил диний экстремистик оқимларга ўзлари билмаган, сезмаган ҳолда қўшилиб қолаяптилар. Бунга мисоллар кўп.

Менимча буларга сабаб ёшларимиз ўқимасдан, касб ўрганишга ҳаракат қилмасдан юрганликлари бўляпти. Бунга яна ўз фарзандларига бефарқ муносабатда бўлиб, қаерга бориб, қаердан келаётганини суриштирмай, боласини ўз ҳолига ташлаб қўйган ота-оналарнинг ҳам айби бор деган фикрга қўшиламан. Энг аввало, ота-она ўз фарзандига, унинг таълим-тарбиясига нисбатан қандайдир масъулиятни сезиши керак. Шунда фарзанд ота-онасининг қилаётган меҳнатларини кўриб, ўзи туғилиб ўсган юрти, Ватани олдидаги бурчини, масъулиятини сезади, мустақил фикрга эга бўлади. Мустақил фикрга эга бўлган инсонларни эса Муҳаммад Солиҳ, Тоҳир Йўлдош каби шахслар ҳеч қачон тўғри йўлдан қайтара олмайдилар. Минг афсуслар бўлсинким, мустақил фикрга эга бўлмаган ёшларнинг сони анча. Ақидапарастлар ана шундай ёшларимизни йўлдан уришга ҳаракат қилишмоқда.

Телевидениеда намойиш қилинган «Февраль воқеалари» ҳужжатли фильмидаги мудҳиш манзараларни, топталган тақдирларни кўрарканман вужудимга титроқ кирди. Бу манфур ишларни амалга оширган ватанфурушларга нафратим ошди. Хулосам шуки, мен тенгқурларимни ҳушёрликка чақириб, тўғри йўлдан оғмасликка ундайман. Биз ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликка яраша масъулиятли бўлайлик!

Чарос ТОШПЎЛАТОВА,
Тошкент шаҳридаги 29-ўрта мактаб битирувчиси

ДУНЁГА ОСИЁДАН НАВО ТАРАЛДИ

(Боши 1-бетда)

Рости, мен ўзимни ҳалигача дўмбира деб аталувчи мана шу чолғу асбобимизнинг сеҳрли оламига киролмасдан юрганлигимни худди шу ерда ҳис қилдим. Мен «ўзимча» менсимай юрган бу оддийгина чолғу асбоби тилсимини очадиган одами қўлига тушса, ўз тингловчисини суюнтира олиши ҳам, куйинтира олиши ҳам мумкин экан...

Худди шу ерда менда пайдо бўлган «жайдари» бир тасаввурга кўра, дўмбиранинг дилбар саси-ю, бахшининг карвон қўнғироғидек беқиёс хонишига гир атрофи ғиштдан терилган одатий концерт саройлари жуда-жуда торлик қилади. Бу наво бунақа тор жойга сиғмайди.

Акбар бахши чалиб турган дўмбирани ҳам қаерларда ўсган бир дарахт танидан ўйиб олганлигини ҳис қилгандай бўлдим. Ҳа, шубҳасиз, у дарахт кенгликларда ўсган. Аслида бахшиларнинг ўзлари ҳам кенгликларга муносиб. Шундай эмасми? Нима бўлганда ҳам тор манзилу тор қалбда шундай буюк истеъдод етишишга гумоним бор.

Яна битта гап. Менга қолса, дўмбиранинг дилбар нағмасию бахшининг мафтункор сасини эшитмоқ, ундан олам-олам завқ олмоқ учун қўнғиротлар юрти тоғли Деҳқоноободдагидек юксак ва мағрур қоялар, ҳеч бўлмаганида Нишондагидек кенг ва поёнсиз яланг-ликлар керак...

«Бахшининг деви бўлади», деб эшитганман. «Дев»и келдими, уни тўхтатиб бўлмас эмиш. Шу пайт у бутун борлиқни, ҳамма-ҳамма нарсани унутиб, кўзларини юмганича хаёл оғушида оқармиш, ички бир туғён таъсирида куйиб-ёниб айтармиш... Акбар бахшида ҳам худди шундай бир ички ҳолат бўлдими дейман, у бутун вужуди билан куйлади. У гоҳ ғамгин, гоҳ шўх куйлади. Дўмбираси ҳам унинг қалб амрига мос гоҳ кулди, гоҳ йиғлади... У ўзига энг улуғ устоз деб билган, марҳум юртдоши деҳқонободлик Қодир бахшига атаб айтди. У Қодир бахшининг ўғли эл таниган Қаҳҳор бахшининг ўз падари бузруквори хотирасини ёд этиб битган достонидан айтди, «Ўтов қушиғи»ни айтди... У куйлади, мен ўйладим...

Ўтов. Қўнғирот ўтови. У қўнғиротлар учун нечун бунчалик муқаддас саналади? Бу элнинг бахшиси борки, у албатта, ўтов ҳақида куйлайди. Бу элнинг қўлига қалам тутган ижодкору шоири борки, у, албатта, Қўнғирот ўтови ҳақида ёзади. Қизиқиб ўрганганим бор: кўп ҳолларда қўнғиротлар ўтовни «қора уй», баъзан «юрт», баъзан «Ватан» ҳам деб аташади. Аждодлардан қолган қадим ўтовларни қўнғиротлар ҳали-ҳануз унутишгани йўқ. Унутишмоқчи ҳам эмас. Улар ҳозир ҳам Ўзбекистон ўтовлардан бошланади...

Мен Акбар бахши билан узоқ суҳбатлашдим. У илк 5 ёшидаёқ қўлига дўмбира олган, бахшилик танига боболари қонидан ўтган содда ва самимий ўспирин. У «Алпомиш», «Гўрўғли», «Қунтуғмиш», «Авазхон» достонларидан ва Қодир бахши ижодидан талай терималарни ёд олган, дўмбирада анча-мунча нағмалар яратиш даражасига етиб қолган иқтидорли ёш бахши шоир. У тил ва адабиёт муаллими Раззоқ Холмуродовни, Нишон тумани «Истиқлол» болалар ва ўсмирлар ижодкорлик маркази директори Руқия опа Кенжаевани ўзига устоз деб билади. Бўш пайтларида тинимсиз ўз устида ишлайди, ижод қилади, Қаҳҳор бахши ва Шоберди бахшиларнинг овозлари ёзилган тасмаларни эшитиб, улардан ўрганади.

Айтиш мумкинки, Акбар бахши учун кейинги 2-3 йил роса омадлар йили бўлди. У 1998 йилда вилоят миқёсида ўтказилган «Алпомиш бўлай мен!» кўрик - танловида ёшлар орасида аввалига вилоятда биринчи ўринни, сўнг Республикада учинчи ўринни эгаллади. Жорий йилимизда ўтказилган иқтидорли болалар кўрик-танловида у аввалига Нишон туманида, сўнг Қашқадарё вилоятида ва ниҳоят, жумҳуриятимизда фахрли биринчи ўринни эгаллади. Яқинда «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига бағишлаб Термиз шаҳрида ўтказилган Марказий Осиёнинг бахши шоир ва оқинлари кўрик-танловида Акбар бахши фаол қатнашди. Ушбу нуфузли танловда иштирок этган 200 нафардан ортиқ осиёлик бахшилар ўртасида энг ёш иштирокчи бўлишига қарамасдан фахрли учинчи ўринга муносиб деб топилди.

Оққан дарё оқаверади, дейишади. Дарҳақиқат, Алпомиш юртидан яна бир ёш Қўнғирот бахшиси отилиб чиқди. Унинг тиниқ овози бугун бутун Осиё бўйлаб янграмоқда. Мактаб жамоаси бундан ҳақли равишда фахрланаётир. Илоё, Акбарнинг овози олам узра давомли янграсин!

Абдували ОБИДДИН,
«Маърифат» мухбири

ДИЙДОР ҒАНИМАТ...

Янгийўл туманидаги Убай Мусаев қишлоғида туман ҳокимияти ва «Тинчлик» жамоаси хўжалиги ташаббуси билан аёллар йилига бағишланган «Уч авлод учрашуви» деб номланган ажойиб кеча уюштирилди. Қишлоқ фуқаролар хотин-қизлар қўмитаси раиси, 17-мактаб директори Раҳима опа Қўчқорова ташаббуси билан етти маҳалланинг ҳар биридан уч авлод вакиллари: 1930 - 1950 - 1980 йилларнинг фидоий аёллари тўпланди. Даврага педагог сулоласи вакиллари: Тўлагановалар, Абдуғаниевалар, сут соғувчилар сулоласи вакиллари — Камоловалар, меҳнаткашдеҳқонлар сулоласи вакиллари — Аҳмедовалар таклиф этилиб, уларнинг дил изҳорлари тингланди.

Дарвоқе, қишлоқда бу маросим аввалги «Ибратли келинчак», «Намунали оила», «Аёл буюк зот» каби тадбирларнинг давомидир. Шу ўринда маросимларнинг қизиқарли ўтишида Раҳима опа Қўчқорованинг ҳиссаси улканлигини қайд этиш жоиз.

Муҳайё ТЎЛАГАНОВА

O'zbekiston qo'shiq bayrami

СОҒИНИБ ЎЙҒОНГАН ТОНГНИНГ ТУҲФАСИ

Мана бир неча йилдирки, Республикамизда Ўзбекистон қўшиқ байрами анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Конкурсинг Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги ўқув муассасалари ўртасидаги бу йилги саралаш босқичи Самарқанд Опера театрида бўлиб ўтди. Ушбу қўшиқ байрамида 48 та олий таълим муассасаларининг бадиий дасталари иштирок этиб, она юрт мадҳини қўшиқларга жо айлашди.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг 90 нафар талабадан иборат қўшовоз қўшиқчилар дастаси ҳар йилгидек бу беллашувга ҳам жиддий тайёргарлик кўришган эди. Жамоа бадиий раҳбари Равшанбек Худойбергановнинг қобилиятли талабалар билан олиб борган саъй-ҳаракатлари танловда ўз самарасини берди. Саҳнага ЎзДЖТУ бадиий дастаси чиқиши эълон қилингач, ажиб сукунатга чўмган бино ичра "Соғиниб уйғонар тонглар" қўшиғи жаранглади (Аваз Мансуров мусиқаси, Нормурод Нарзуллаев шеъри).

— Бир қўшиққи, қалбларга маъво кирди. Бир қўшиққи, тинглаганда юракларга ширин туйғулар инди...

Қўшиқ ҳали охирига етмай турибоқ кўпчилик "биринчи ўрин ЎзДЖТУ да кетди", деб юборди, — дейди мазкур даста раҳбарларидан бири Саййид Ҳожиев.

Конкурс якунида, ҳақиқатан ҳам, 10 нафар таниқли устоз санъаткорлардан иборат ҳакамлар ҳайъати кўрик дастурида 38- навбатда саҳнага чиққан бу университет қўшовоз қўшиқчилар дастаси фахрли биринчи ўринни қўлга киритганликларини эълон қилди.

Шундай қилиб, ўтган йилги каби бу йил ҳам мазкур кўрикда биринчи ўринни олиб, 100 минг сўм пул мукофотини қўлга киритган ЎзДЖТУ бадиий дастаси шу йил 14 августда "Туркистон" санъат саройида бўлиб ўтадиган вазирликлараро Ўзбекистон қўшиқ байрами танловида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги шарафини ҳимоя қилади.

14 август тонги ҳам яқин. Ҳаваскор талабалар эса ҳозирда шу тонгни соғиниб кутмоқдалар. Умид қиламизки, университет яна совриндор бўлади...

Ш. ЙИГИТАЛИЕВ

O'qituvchilarning Avgust kengashlariga

ҲУҚУҚИЙ ТУШУНЧАЛАР ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ?

Биз ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан бормоқдамиз. Шунинг учун ҳуқуқий тарбияни, ҳуқуқий маданиятни оширишни илк бор болалар боғчасидан бошлаб, сўнгра эса бошланғич таълимда давом эттириш лозим. Демоқчимизки, ҳуқуқ сабоқлари ҳуқуқий тарбиянинг таркибий қисми сифатида дарс жараёнида, дарсдан ташқари вақтларда амалий ишлар ёрдамида кенгайтирилиб ва оилада мустаҳкамланиб борилиши зарур.

Бошланғич таълимда она тили етакчи предмет ҳисобланади. Она тилини билиш замирида ёш авлоднинг маънавий камолотга эришуви таъминлана боради. Тил – одамни инсон сифатида шакллантирувчи, маънавий дунёсини бойитувчи, миллатнинг мавжудлигини белгиловчи воситадир. Республикамизда ўзбек тили қонун билан давлат ҳимоясига олинди. Эндиликда тилимизни тиклаш йўлида бир қанча саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

Ўз она тилимизда қонунларимиз, давлат ҳужжатлари, илмий асарлар, дарсликлар яратилиши бошланғич синф ўқувчиларига ўз она тилини ўргатишни «давлат» тушунчаси билан боғлаб тушунтиришга, шунингдек, тил – давлатнинг ажралмас белгиси эканлиги, ўз тилида ўқитиш, ёзиш, мустақил фикр билдириш – бу ҳар бир инсоннинг ўз ҳуқуқи эканлиги тўғрисидаги тасаввурлар ҳосил қилинади.

Бундан ташқари, ўқувчиларга ҳуқуқ сабоқларини беришда халқ оғзаки ижоди, ёзма адабиёт, ривоят, оила, маҳалла, жамият ва табиат, экология, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақидаги сабоқлар билан узвий боғлиқликда тушунтириб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар кимнинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгалиги билан боғлиқ илк тушунчалар шакллантирилади.

Ўқувчиларни табиат билан яқиндан таништириш учун эса «Табиат қўйнидаги дарслар» деб аталган сабоқлар берилиши керак. Бу болаларга табиат қўйнида ҳордиқ чиқариш, қувонч ва мамнуният бахш этиш билан бирга табиатни, ўсимлик ва жонивор-ларни асраш инсоний бурч эканлигини англатиб боради.

Ўқувчиларга ҳуқуқ сабоқларини беришда бошланғич синф ўқитувчисининг роли беқиёсдир. Чунки ўқувчи илк ҳуқуқий маълумотни ва ҳуқуқий тарбияни улардан олади. Болаларга бундай тарбияни берувчи ўқитувчининг ўзи маънавияти бой, изланувчан, ҳуқуқий адабиётлар ва манбалар билан мунтазам танишиб бориши лозим. Бунинг учун мактаб кутубхоналари янги қонунлар, дарсликлар, адабиётлар ва ўқув қўлланмалар билан таъминланган бўлиши зарур.

Агар бошланғич синф ўқитувчиси ҳалол, виждонли, меҳр-оқибатли, инсоннинг қадр-қимматини англовчи қилиб тарбиялай олса, бундай ўқувчи катта бўлганида инсон ҳуқуқларини эъзозлаш, ҳурмат қилиш, улуғлаш йўлидан боради.

Ҳуқуқ сабоқларини дарсдан ташқари вақтларда ҳам давом эттириш мумкин. Жумладан, ўқувчилар билан «одоб», «ахлоқ», «ҳуқуқ» мавзуларига оид суҳбатлар, турли хил давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги тушунчаларга бағишланган мусобақалар, конкурслар уюштириш яхши самара беради.

Чунки ўқувчилар бу ёшда шунақа тадбирларга қизиқувчан бўлади. Бу тадбирлар орқали болалар ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини, масъулиятини, бурчини англайди ва уларга риоя қилиш кўникмаларини шакллантирадилар.

Хуллас, бошланғич таълимдаги ҳуқуқ сабоқлари ўқувчилар онгида илк ҳуқуқий қарашларни шакллантиради, уларни одобли ва ахлоқли, яхши хулқли бўлишига ижобий таъсир кўрсатади, келгуси фаолиятида ҳуқуқий тушунчаларни идрок этишига замин ҳозирлайди.

А. ШУКУРУЛЛАЕВ,
ҳуқуқшунос



ГЎДАК ҚУВОНЧИ

Maktabgacha ta'lim

Пойтахтдаги «Умид» болалар боғчаси жажжи ўғил-қизларнинг севимли таълим муассасаларидан ҳисобланади. Масканда 2 та илк ёшли, 4 та боғча гуруҳи мавжуд бўлиб, уларда 140 нафар дилбандлар тарбияланаётир. Ўн беш тарбиячи ва ўн икки энага улар атрофида парвона.

Ширинтойлар гулшанида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш борасида тадбирлар олиб борилмоқда.

ТРИЗ, Монтессори сингари хорижий давлат таълим усуллари асосида ўтилаётган машғулотларда болажонларга математик тасаввур ҳамда бадиий нутқларни ривожлантирувчи, бошланғич иқтисодий тушунчалар бериш, ҳозирги ўзбек ёзуви кўриниши, товуш маданияти, жисмонан бакувват ва ақлий ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётир.

Тайёрлов гуруҳида 27 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Рус тили машғулот сифатида ўтиляпти. Катта ва тайёрлов гуруҳларининг 16 нафар тарбияланувчиси инглиз тили тўгараги аъзосидир. Улар Нафиса Маҳмудова раҳбарлигида ҳафтада икки марта инглиз тилини ўрганаяптилар. Боғча 185-мактаб билан яқиндан алоқа боғлаган. Тайёрлов гуруҳи болалари мазкур мактабда билим оладилар.

Дилбандлар масканида мусиқа, каштачилик, кулолчилик, шашка-шахмат, футбол тўгаракларида мунтазам фаолият кўрсатаётир. Болажонлар ўзлари қизиққан тўгаракларга иштирок этмоқдалар. Драма тўгараги раҳбари, маънавият ва маърифат хонаси бошлиғи Муаттар Усмонхўжаева раҳнамолигида истеъдод ғунчалари Навоий, Бобур, Амир Темурга бағишланган саҳна кўринишларидан намуналар тайёрлашган. Лобар Авазхўжаева бошчилигидаги «Гуллола» ансамблининг жажжи ҳаваскорлари «Етти гўзал», «Сочини майда ўрган қиз», «Дилхирож», «Лазги», «Боғча опам» каби ашула ва рақсларни мароқ билан ижро этмоқдалар. Шунингдек, қўғирчоқ театри ҳам ташкил этилган. Ижодкор тарбиячилар ҳамкорлигида персонажлар тайёрланади, миллий қўғирчоқлар тикилади. «Она эчки», «Қизил қалпоқча», «Эгри ва Тўғри», «Тулки билан Хўроз» сингари эртаклар намойиш этилаётир. Қўғирчоқ театридан тушган маблағга боғча учун ўқув қуроллари харид қилинади.

— Болалар масканида ёзги чиниқтириш тадбирлари бошлаб юборилди, — деди боғча мудираси Маҳтума Ғаниева. — Ҳар бир гуруҳ тарбияланувчилари айни кунларда тиббий кўрикдан ўтмоқдалар. Уларнинг оғирлик вазнлари, бўйлари ўлчаниб, ёзги соғломлаштириш давридаги ўзгаришлар аниқланади. Очиқ сув ҳавзаси, ёзги душ болакайлар хизматида.

Катта тарбиячи М. Усмонова бошчилигида Г. Маликова, Х. Нормирзаева сингари тажрибали мураббийлар ранг-баранг, ноанъанавий машғулотлар ўтиш билан бирга мурғак қалбларга ўзбек халқининг миллий урф-одатлари ва қадриятларини ҳам ўргатаётирлар. Ширинтойлар маскани Абдулла Авлоний номли халқ таълими ходимлари малака ошириш Марказий институти ҳамда Тошкент шаҳар ўқитувчилар малака ошириш институтининг амалиёт базаси ҳамдир.

Муассасада нозик қалбларнинг соғлом, бақувват бўлиб вояга етишлари учун спортга оид юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар бор-у, бироқ спорт хонаси йўқлиги бизни бироз ўйлантириб қўйди. Бу йилги режага киритилган спорт хонасини ташкил этиш амалга ошса, ажаб эмас деган умиддамиз.

— Дунёда гўдак қувончидан тотли нарса бўлмаса керак, — дейди тарбиячи Х. Нормирзаева. – Уларнинг ширин ўй-ташвиши билан яшаш, интилиш, изланиш – менинг учун бахт. Машғулотларни замонавий педагогик усуллардан тўғри фойдаланиб, болалар диққатини жалб қилган ҳолда ўтаман. Машғулотлар бирбирига боғлиқ, бири иккинчисини тўлдиради, мустаҳкамлайди.

Дарҳақиқат, беғубор қалбларга одоб, ахлоқ ўргатувчи, олам сирларидан боҳабар қилувчи мураббий ижодкор, нозик дидли, маданиятли, ҳар соҳадан хабардор мукаммал инсон бўлмоғи даркор. Ана шундагина келажаги буюк давлатимизга ҳар томонлама билимдон, ватанпарвар, халқпарвар соғлом фикрли инсонлар вояга етади.

Моҳлар РУСТАМОВА

Суратларда: *«Умид» болалар боғчаси ҳаётидан лавҳалар.*

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Xotira

ШОГИРДЛАР ҚАЛБИДА

Вужудида машҳур маърифатпарвар Сатторхоннинг қони оққан, 30-йилларда қулоқ қилинган Ислом Умархоновнинг набираси, биринчи ўзбек энергетикларидан бири, 1941-1945 йиллардаги урушда ҳалок бўлган Абдулла Каримовнинг ўғли Эрик Каримов ҳеч қачон ўз виждонига қарши бормас, бутун илмини ёшларга бағишлашга тайёр инсон эди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ва собиқ иттифоқ ҳудудининг турли бурчакларида фаолият кўрсатаётган 4 фан доктори, 40 га яқин фан номзодлари Э.Каримовни устоз деб, ҳурмат билан эслашади. Бундан ташқари, у кишининг маслаҳатларидан баҳраманд бўлган, кўмагини олган ва дилдан ўзини у кишининг шогирди деб ҳисоблайдиган олимлар ҳам бир талай.

Домла ҳақида ўйлаганимда, у киши билан бўлган суҳбат эсимга тушаверади. Суҳбат чоғида устоз шундай дегандилар: «Биласанми, Лев Толстой ижоди бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаганимдан кейин жуда хурсанд бўлиб юрдим. Лекин бундан қониқмаслик ҳисси дилимни безовта қилар эди. Нега? Буни ўзим ҳам билмас, тушунмас эдим. Диссертациямни қайта ўқиб чиқдим. Яхши ёзилган. Бирор жиддий камчилик тополмадим.

Шундай кунларнинг бирида қўлимга ўша пайтда қатағон қилинган Фитратнинг «Ҳинд ихтилочилари» асари тушиб қолди. Уни қайта-қайта ўқиб, Фитратни адиб, ватанпарвар инсон, файласуф сифатида кашф қилдим. Нега бундай қисматга дучор бўлганини тушундим. У мени ўзлигимни англашга ёрдам берди.

Менинг ҳаётимда ҳам Фитрат билан боғлиқ лавҳалар бўлган экан. Ойимларнинг айтишларича, бир вақтлар Фитрат домла билан қўшни бўлган эканмиз. Улар мени эркалаб, кўтариб, ўйнатар эканлар. Афсуски, мен буларни эслай олмайман.

Фитратга бўлган ҳурматим ва юқоридаги воқеа сабаб бўлиб, бошқа йўналишда, яъни ўзбек адабиёти бўйича иш қилишим, ҳеч бўлмаганда қатағонга учраган ёзувчиларимиздан бирортасининг ҳаёти ва ижодини халқимизга етказишга ҳаракат қилишим керак, деган қарорга келдим.

Дунёнинг ишларини қарангки, ана шундан сўнг қалбимда ўзгача енгиллик сездим. Бу ҳақда Москвадан қайтиб келаётганимизда, самолётда Ўлмас Умарбеков билан суҳбатлашган эдим.

«Ўзинг ўйлаб кўр, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Беҳбудий, Мунаввар Қори, Боту, Элбекка ўхшаган адибларимиз бўлса-ю, мен Толстой бўйича номзодлик иши ёзиб гердайиб юрсам... Толстойни камситмоқчи эмасман. Унинг буюк адиб, файласуф эканлигини тан оламан. Лекин ўзбек адиблари ҳақида ким илмий иш ёзиб, ижодини тадқиқ қилади?»

Устоз бутун умр ана шу қарорига содиқ қолди. Ёқлаган докторлик диссертациялари, чоп этилган китоблари, монография ва мақолалари ҳам буни яна бир бор тасдиқлайди.

Э.Каримовнинг ҳаётида 1975 йил алоҳида ажралиб туради. Чунки шу йили устоз ўзбек адабиётининг 20-30-йилларига доир узоқ вақт олиб борган изланишларини тугатиб, рус тилида китоб ҳолида нашр қилдиришга муваффақ бўлган эди. «Ўзбек адабиётида реализм ҳ ривожи» («Развитие реализма в узбекской литературе»)да жадидчилик ҳаракатининг намоёндалари деб ҳисобланган, 1956 йилда оқланганликларига қарамасдан ҳамон ижодларини ўрганиш тақиқланган Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва бошқаларнинг фаолиятлари маърифатчилик нуқтаи назаридан жаҳон адабиёти контекстида тадқиқ қилинган ҳамда 20-30 йиллардаги ўзбек зиёлиларининг ниятлари миллатчилик эмас, дунёда ўша даврда бораётган жараённинг ажралмас ва ўзига хос қисми эканлигини исботлаган. Мустабид тузум сиёсатига қарши бу зарба маърифатпарвар олимнинг жасорати эди.

... Бу ҳовлида домла кимлар билан суҳбат қурмаган... Улар орасида нафақат Республикамизнинг, балки Россия, Кавказорти, Тоғли Олтой, Марказий Осиё давлатларининг забардаст олимлари, шоиру ёзувчилари бор. Кўпинча хорижлик олимлар «Эрик, меҳмонхонадан жой олдиқ, лекин ҳовлинг яхшироқ. Ўз қўлинг билан дамлайдиган паловингни ҳам соғиндик», деб кириб келишарди.

Устоз фақат илм аҳлига эмас, оддий кишиларга ҳам ёрдам беришга ҳаракат қилар эдилар. Адабиётшунос олим, домланинг садоқатли шогирдларидан Абдулҳамид Жавлонов бу ҳақда қуйидаги воқеани айтиб берган эди:

— 1984 йилда бозор айланиб юрардик. Кичикроқ қозон, чўмич ва шунга ўхшаш нарсаларни олдига қўйиб харидор кутаётган, юпунроқ кийинган кекса аёлни кўриб қолдик. Бозордан қайтаётганимизда ана шу аёлга кўзимиз тушди. Домла онахоннинг олдиларига бориб, буюмнинг нархини сўрадилар, савдолашмасдан айтилган пулни бериб, «булар сизда турсин кейинроқ олиб кетаман», дедилар. «Эрик Абдуллаевич, нима қиласиз буларни? Ахир уйингизда булардан бир нечтадан бор-ку!» - дейишимга қарамасдан, домла «Қани юр, ҳали кўп нарса олишимиз керак», дея елкамга қўлини ташлади ва сал нариоқ бориб: «Бу аёлнинг боқувчиси йўқлиги кўриниб турибди. Бирор яқин кишиси, ёрдам берадигани бўлганида онахон бу нарсаларни бозорга олиб чиқмасди. Шу кишига ёрдам берсак яхши эмасми? У нарсаларни ҳеч ким сотиб олмаслигини яхши биласиз-ку», деди.

Устоз ҳақида, илмий ишларнинг аҳамияти тўғрисида жуда кўп гапиришим мумкин. Аминманки, Эрик Каримовнинг порлоқ хотираси танишлари, дўстлари, айниқса, шогирдлари қалбида, уларнинг илмий ишларида барҳаётдир. Домланинг охиратлари ҳамиша обод бўлсин!

Карим МУСТАНОВ

Sinab ko'ring

ЭРКИН ХАЁЛОТ ДАРСИ

Истеъдод, талант, қобилият. Бу иборалар ҳозирга келиб ҳеч кимни ажаблантирмай қўйди. Кимдадир ихтирочиликка, рассомликка, яна кимдадир бошқа бир санъатга, касб-ҳунарга хос булган истеъдод бўлиши мумкин. Бу табиий ҳол.

Ажабланарли жиҳати шундаки, кўплаб ихтиролар, санъатнинг юксак намуналари марказга яқин-узоқда, илм учоқларига боғланган ё боғланмаган ҳолда ҳам кашф этилган. Ҳозир ҳам бутун эътибор илмга, мактабга қаратилмоқда. Қайсидир техник машинанинг бирор қисмининг кераксизлигини сезади ёхуд шу қисмнинг такомиллашган нусхасини яратади ёки уни тамоман янгисини кашф этади. Аммо шу ва шунга ўхшаш ихтиролар ҳаётга тадбиқ этилмай қолиб кетади. Чунки бунга ўзида интилиш бўлмайди. Ёки ўша кашфиётчи ўз ихтиросини ҳаётга тадбиқ этиш йўлларини билмайди. Назаримда, инсон хаёлоти элементнинг атомига ўхшайди. Атомга туртки берилса у ўзидан энергия чиқаради. Инсондаги истеъдод ҳам шундай, унга ҳам туртки бериш керак. Ана шунда истеъдод-маънавият олтинларини сочади. Ҳозирда таълим бериш ва олиш учун яратилган шарт-шароит айнан шу вазифани бажариши лозим.

Ҳўш, истеъдодга туртки беришнинг амалий, ўқитувчи қуллаши керак булган услуби қандай? Менимча, ўрта мактабнинг юқори синфларида ҳамда таълимнинг юқори поғоналарининг ҳаммасида «Эркин хаёлот дарси» ташкил этиш керак. Бу дарс «туртки» берувчи дарс бўлиб, ойига атиги икки соат қўйилса шунинг ўзи етарли. Бу дарсда ўқувчи хаёлотидаги истеъдод меваларини юзага чиқаради: эркин, ўз-ўзича ёзади, чизади, ноанъанавий фикрлар билдиради ва ҳоказо.

Эркин хаёлот дарси бизга моддий жиҳатдан деярли зарар бермагани ҳолда, маънавий жиҳатдан катта ютуқ беради. Аввало, ўқувчи сиймосида эркин, мустақил фикрловчи инсон шакллана боради. Бундан ташқари, миллионлаб ўқувчи ўзидаги таланта "туртки" натижасида нимадир яратиши, кашф этиши мумкин. Бу эҳтимолга жуда яқин нарса. 90 га кирган қария билмаган нарсани эндигина еттига кирган бола уддалаши мумкин. Чунки бу йўналишда унда истеъдод булади.

Истеъдод, талант ва қобилиятни «туртки» юзага чиқаради. Эркин хаёлот дарси ана шу «туртки» вазифасини утайди. Тўғри, қизиққан йўналиши бўйича ўқувчилар ўқитилаяпти, бироқ режа, кўргазмалар асосида. Бу ҳам жуда тўғри, аъло йўл. Лекин эркин хаёлот дарси бугунги ёшлар учун албатта керак деб ўйлайман.

Бу дарсда ўқувчи билимлар асосида тушунча олмайди, балки ўқувчи хаёлини нималар банд қилганлиги кузатилади. Яъни бу дарс ўқувчи хаёлотидаги турфа йўналишдаги маънавият меваларини йиғувчи сабоқ булиб хизмат қилади.

Н.НАМОЗОВ,
Қарши туманидаги
26-мактаб ўқитувчиси

Ona tilim — jonu dilim

ТАНТАНАВОР НУТҚНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Тил алоқанинг муҳим воситаси. У фонетик, лексик, грамматик ва стилистик бирликлар системаси ҳамда булардан нутқда фойдаланиш қоидаларини ўзида жамлайди. Нутқ эса тил бирликлари асосида алоқа қилиш жараёни ёки амалий фаолиятдир.

Тил бирликлари нутқ жараёнида намоён бўлади. Шундай экан, у адабий тилда сўзловчилар томонидан кундалик ҳаётда, меҳнат жараёнида, оилавий турмушда, хуллас, ҳар хил нутқий шароитларда қўлланилади. Шу жиҳатдан баъзи олимлар нутқни 5 турга бўлишади: тантанавор, илмий иш, расмий иш, маиший ва ихтиёрий бўлмаган нутқ.

Тантанавор нутқ тингловчи ёки ўқувчида ҳайратланиш, қутаринкилик, ғурур, фахрланиш каби эстетик туйғуларни уйғотади. Бу нутқ тури одатда улуғ саналар, буюк кишиларнинг жасоратини тасвирлаш, шахсини улуғлаш мақсадига хизмат қилади. Шунингдек, фан ва техника ютуқлари, фан арбобларининг ижобий хусусиятлари, инсонийлигини, халқ олдидаги хизматларини кўрсатишга қаратилади. Нотиқ далиллар сифатида унинг таржимаи ҳолидан, ижодий фаолиятидан, у ҳақда бошқалар билдирган фикрлардан парчалар келтириши мумкин. Тантанавор нутқ турларига кеча, байрам, тўй, юбилей каби маросимлардаги табрик нутқлари, жумладан, Давлатимиз раҳбарининг Мустақиллик, Наврўз, Янги йил, «Хотира ва Қадрлаш куни» арафасида халқимизга қарата айтган табриклари, чақириқлари мисол бўла олади. Табрик нутқи ҳажм жиҳатдан ихчам, мазмунан бой бўлиши, тингловчиларнинг вақтини кўп олмаслиги керак.

Президентимизнинг «Ватан ҳимоячиларига табрик нутқи»дан олинган парчага диққат қилайлик: «Шердил ва ўтюрак йигитлар миллат кўрки, Ватан фахридир. Шу маънода Ватан ҳимоячилари куни барчамизнинг байрамимиздир. Сирасини айтганда, Ватан ҳимояси қадимдан энг олий қадрият саналиб келган. Юртимиз баҳодирларининг шижоати ва жасурлиги жаҳонга аён.

Халқимизнинг асрий орзулари ушалган мустақиллик замонида озодлик дея жонларини аямаган ота-боболаримиз хотираларини ёдга олиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Унинг ёркин хотираси Ватан йўлларини абадул-абад ёритиб туражак».

Публицистик нутқнинг турли жанрларида ҳам тантанали атов бирликлари ишлатилади: **ижодкор ёшлар, муҳташам, улуғвор, зафар қучмоқ, букилмас иродали, баркамоллик, шижоаткорлик.**

Расмий нутқ учун бутунлай хосланган тил бирликлари — **жаноби олийлари, олийҳазрат** каби архаик атамалар, **дўстона ҳамкорлик, олий даражадаги учрашув** кабилар хосдир.

Илмий услубнинг илмий-оммабоп жанрида монография, дарслик, аннотация, илмий мақола жанрларига нисбатан тантанавор лексиканинг ва тасвирий ифодаларнинг кўпроқ учрашини кўрамиз: **космик тадқиқотлар, тафаккур мевалари, билим чўққилари, билим ёғдуси** каби.

Тантанаворлик, кутаринкилик руҳи бадиий нутқда кўплаб сезилади. Чунки нутқнинг образли ифодавийлиги бу услуб турининг муҳим белгиларидан биридир. Бадиий нутқдаги сўзлар, айниқса, поэтик сўзлар воқеликни бурттириб тасвирлайди: **беҳисоб, беадад, улкан, шавкатли, мукаммал, азим, буюк, зафар** каби.

Педагогика институтларида тантанавор нутқ ва унинг хусусиятлари «Стилистика», «Нутқ маданияти», «Узбек тили» машғулотларида ўрганилади. Бу каби машғулотлар талабаларнинг тўғри, аниқ, равон, ўринли, ҳар бир шароитга мос ҳолда нутқ туза олишларига катта ёрдам беради. Радио, телевидение, кундалик ҳаётда турли услубда тузилган нутқлардаги айрим камчиликларни таҳлил этишда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, тест-рейтинг тизими ташкил этилиб, оғзаки ва ёзма бой ифодали нутққа бироз талаб сусайган даврда бу машғулотлар бўлажак ўқитувчиларга тўғри нутқ туза олишларида амалий аҳамияти катта. Бунинг учун талабаларга С. Каримовнинг «Узбек тилининг бадиий услуби» (Самарқанд, 1992 й), «Ўзбек тилининг поэтик услуби», Э. Бегматов, М. Қўнғуров, М. Мукаррамов каби таниқли олимларимизнинг бир неча мақола ва илмий ишлари, қўлланмалари яқиндан ёрдам беради.

Тантановар нутқнинг хусусиятларини бўлгуси педагоглар пухта ўрганишлари лозим. Келажакда улар умумтаълим мактабларида ишлар эканлар, албатта нутқнинг бу турига кўпроқ мурожаат қилишларига тўғри келади. Умуман, тантановар нутққа хос ҳис-туйғуларни ёркин образда, оригинал, метафора, эстетик таққослаш, фикрлашни муайян тартибга солиб, синтактик конструкцияларнинг ўзига хос оҳангдорлигини сақлаш талаба томонидан пухта ўзлаштирилиши керак.

Фаридахон ХУСАИНОВА,
Қўқон ДПИ ўқитувчиси

ИСМИМИЗ ВА ЖИСМИМИЗ

Фарзанд туғилгач, ота-она бутун орзу-умидини, аввало, унинг исми орқали ифодалашдан бошлайди: боши тошдан бўлсин, умри узоқ бўлсин деб, Тошжон, Умрзоқ; бахтли бўлсин деб, Бахтиёр, Бахтигул; ёқимтой, чиройли бўлсин деб, Гўзалой, Гулрўй, Асалхон; паҳлавон, ботир бўлсин деб, Ботиржон, Баҳодир, Қўрқмас каби исмларни қўяди.

Бадиий адабиётда қаҳрамонларнинг характерига мос исм танлашга ҳаракат қилинади. Масалан, «Тоҳир ва Зуҳро» достонида Тоҳир – покиза, нуқсонсиз; Зуҳро – нурли, кўркам; нияти қора бўлган қаҳрамонга эса Қоработир деб от қўйилади. Кўринадики, исм инсоннинг ўз зурриётига бўлган орзу-ниятининг дебочаси, бадиий асарларда эса қаҳрамон характерига ишорадир. Демак, исмда гап кўп. Исмнинг тилсимларини очиш, маъноларини белгилаб бериш катта амалий аҳамиятга эга.

Профессор Эрнст Бегматов ўттиз йилдан ортиқроқ фаолияти давомида ўзбек исмларини йиғиш ва исмларнинг сиру асрорларини ўрганиш билан машғул бўлди. Бундан роса ўттиз бир йил муқаддам «Исмингизнинг маъноси нима?» номли китобчанинг нашр этилишида ҳам муаллиф сифатида иштирок этган бўлса, шундан буён бу муаммо унинг энг севимли мавзусига айланиб қолди. Исмлар изоҳига бағишланган ўнлаб китоблар чиқарди, ўзбек тилшунослигида номлар билан шуғулланувчи ономастика атамаси билан юритиладиган соҳага асос солди. Э. Бегматов республикамизнинг турли минтақаларидаги исмларни ўттиз йилдан буён эринмай йиғиб, катта хазина тўплади. У ўзбек халқининг шаклланишида хизмат қилган барча қавмларда (қипчоқ, ўғиз ва бошқа этник гуруҳларда) қўлланилаётган исмларни тўла жамлади. Бу жиҳатдан олимнинг фаолиятини тўркийшуносликнинг отаси Маҳмуд Қошғарий ишларига, бутун умрини ўзбек тилининг касб-ҳунар атамаларини йиғишга бағишлаган марҳум профессор Собиржон Иброҳимов меҳнатига қиёслагинг келади.

Сал кам ўн беш минг исмнинг мавжудлигини кўрсатиб бериш ўзбек тили нақадар бой имкониятга эга эканлигини ҳам намоён этади. Бу номлар ономастика соҳасининг фақат бир тармоғи – киши номларинигина қамраб олган. Бундан ташқари жой номлари, ҳайвонлар ва паррандалар номлари, сув ҳавзалари, табиий ҳодисалар, фазовий жисмлар номлари сингари ономастиканинг ўнлаб тармоқлари мавжудлигини эътиборга олсак, киши номлари ономастика занжирининг бир ҳалқаси экани ҳақида яхлит тасаввурга эга бўламиз. Шу занжирни ташкил этган ҳар бир ҳалқа бўйича алоҳида-алоҳида луғатлар тузилса, ўзбек тили луғат таркибида қирқ-эллик мингга яқин номлар тўпланиши мумкин. Натижада ўзбек тилида ном қўйиш борасида қанчалар бой имкониятлар мавжудлиги аён бўлади.

Qadriyat

«Давлат тили тўғрисида»ги Қонунда Ўзбекистон фуқароларининг исм ва фамилияларини расмийлаштириш ҳуқуқи алоҳида параграфда белгилаб қўйилган. Фарзанд туғилиши билан унинг исми шарифи гувоҳномага ёзилади. Лекин гувоҳномаларни имло қоидалари асосида расмийлаштириш бугунга қадар анча қийинчиликка сабаб бўлаётган эди. Эрнест Бегматовнинг ушбу китоби ана шу қийинчиликнинг бартараф этилишига ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Муаллиф исмларнинг крилл ва лотин алифбоси асосидаги ўзбек ёзувларида қандай ёзилишини ҳам кўрсатиб берган. Бу эса китобнинг амалий қимматини янада оширган.

Муаллифнинг ютуғи шундаки, у ҳозир ўзбек тилида қўлланилаётган исмларнинг этимологик маъносини изоҳлаш билангина чекланиб қолмаган. Балки исм учун асос бўлган сўз билан унинг юзага келиши, қўйилиши учун асос бўлган сабаб, ҳолатнинг моҳиятини изоҳлашга ҳам ҳаракат қилган. Масалан, бир ўринда Занбур исми асли форсча-тожикчада ари, қовоқари маъносини ифодалаши, боласи турмаган оилада эса янги туғилган болага ирим қилиб шундай исм қўйилиши изоҳланади.

Хуллас, профессор Э. Бегматовнинг бу асарини ўзбек исмлари қомуси деб баҳолаш мумкин.

Абдуҳамид НУРМОНОВ,
Маматқул ЖЎРАЕВ

Yodnoma

ҚЎМСАШ

Институтга қадам қўйган ҳар бир киши ўқув биноларига разм солар экан, бир зум ўйланиб қолади. Буларда кимнинг изи бор? «Из» дегани аслида рамзий маъно. Унинг замирига бир ёки бир неча кишининг елиб-югуриб қилган хизматлари яширинган бўлади.

...Бу аёлнинг сиймоси бизга худди шундай тасаввур беради. Тўқимачилик ва енгил саноат институтида 1957-73 йилларда фаолият кўрсатган бу опанинг қўл остида мен ҳам озгина вақт ишлаганман.

Мақсуда опанинг кўп йиллик кузатишлари асосида 1958 йилда «Тола ва иплар сифатига механик шикастланишлар таъсири» мавзусидаги докторлик диссертацияси ҳимоя қилинган эди. Олиманинг бу тадқиқоти пахта тозалаш, тўқимачилик ва енгил саноат, лойиҳалаш маркази ва ишлаб чиқаришда муваффақиятли қўлланилмоқда.

Устоз Мақсуда опанинг миллий қадриятларимизга эътиқоди жуда баланд эди. Қизларнинг кийинишию одоб-ахлоқи ва турмуш шароити билан яқиндан қизиқар, уларга ўз маслаҳатларини берар ва ўргатардилар. Миллий кадрларнинг марказий шаҳарларда малака оширишлари, фан номзоди ва докторлигини ёқлашлари учун қўлидан келган ёрдамини аямас эдилар. Талабалар уйларида «Қизлар клуби»ни ташкил этганларини мамнуният билан эслаймиз. Гўё бу аёл сингари ҳаётсевар, вафодор, суюкли бўлганларга атаб назм мулкининг султони Алишер Навоий шундай мисраларни битиб кетган эдилар:

Жондин сени кўп
севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп
севармен, эй умри азиз.
Ҳар неники севмак
ондин ортиқ бўлмас,
Ондин сени кўп
севармен, эй умри азиз.

Олима чиндан ҳам умри азизлар сирасидан эди. Мақсуда Ҳожинова 1961 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби» унвони билан тақдирланганида, унинг устоз ва шогирдлари унвон ўз эгасига берилганидан мамнун бўлишган ва қучоқ-қучоқ гуллар ҳадя этишганди.

Заҳматкаш олима талабаю профессорлар, ўқитувчию ходимларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун алоҳида аҳамият берардилар. Бўстонликда бўй кўрсатган ёзги соғломлаштириш оромгоҳи эндиликда барчамизга Мақсуда опани эслатиб туради. Ҳар йили ёзда институтимиз талаба ва домлалари Хумсонга кўнгил ёзгани отланишади.

Мақсуда опага академиклик даражасини қўлга киритиш осон бўлганми? Йўқ. Унинг ягона имкони ўқиб-ўрганиш, таққослаш ва ўз кузатишларини амалиётда синаб кўриш бўлган. Опа бу ҳаракатлар «усти»га сабр-тоқат деган тушунчани ҳам юклай олди. Ва бунда ўзини тоблаб-пишиқлаб борди.

Академик олима 1957 йилда «Тўқимачилик материалшунослиги» кафедрасини ташкил этиб, уни умрининг охиригача ўзи бошқарди. Ҳозирда опанинг 20 дан зиёд шогирдлари у тугата олмаган илмий-тадқиқот ишларини давом эттиришяпти. Мақсуда Ҳожинова 200 дан ортиқ мақолалар, ўқув дарсликлари, қатор илмий-услубий тавсиялар тайёрлаб, нашр эттирганлар. Ҳозирда улар институтимиз кутубхонаси фондидан жой олган.

Мўътабар олимага ҳурмат рамзи сифатида институтимизда бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Опанинг шогирди, институт ректори, техника фанлари доктори, профессор Ҳалимахон Алимова ташаббуслари билан 2-ўқув биносининг кираверишида Мақсуда Ҳожиновага ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди. Олима ижод этиб фаолият кўрсатган хона унинг музейига айлантирилди. Институт илмий кенгашининг қарорига асосан, ҳар ўқув йилида энг фаол талаба қизлардан бир нечтасига академик Мақсуда Ҳожинова номидаги стипендия берилади. Яккасарой туманидаги опа яшаган кўча унинг номи билан аталади.

Мақсуда Ҳожиновани билган, кўрган, доимий ҳамкор, ҳамфикр бўлганлар уни эслашади, қўмсашади. Аммо ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатини тан олишга мажбурмиз. Бир юпанч шулки, опа юрагимизнинг энг тўрида ёркин сиймо бўлиб сақланади.

Абдусаттор АБДУҒАФФОРОВ,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорининг маънавий-маърифий масалалар бўйича биринчи муовини

Maktab kutubxonasiga

«БОБОЛАРДАН ҚОЛГАН НАҚЛЛАР»

Халқ оғзаки ижоди жуда кўп маънавий бойликни ўзида мужассам қилган. Қани эди уларни бирма-бир атрофлича ўрганиб, ўқувчисига етказиш йўлга қўйилса. Бу осонгина амалга ошадиган иш эмас. Бунинг учун жуда катта меҳнат ва қобилият уйғунлиги керак.

Яқинда, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти фольклор архивининг мудири, филология фанлари доктори М. Жўраев ва тадқиқотчи У. Сатторов томонидан нашрга тайёрланган «Боболардан қолган нақллар» номли мажмуа чоп этилди. Тўплам ҳассос қиссахон-бахши Раҳматулла Юсуф ўғли ёзиб олган афсона, ривоят ва халқ тақвими материалларидан тузилган бўлиб, нашрга тайёрловчилар ҳар бир фольклор асари матнини илмий изоҳлар билан бойитганлар.

Бу китобда афсона, ривоят, ирим-сирим ва ўзбек халқ тақвими хусусида кенг кўламли мулоҳазалар берилганки, у илмий тадқиқотлар олиб бориш учун ўзига хос манба вазифасини ҳам ўтай олади. «Олисдаги юлдуз шуъласи», «Тошга айланган сулув», «Семурғ қўнар давлатманднинг бошига», «Асрларга тенгдош иборалар», «Сумбулада сув тинар» сингари фасллар қизиқарлилиги ва ўқишлилиги билан диққатни жалб эта олади. Китобдаги манбалар кўрсаткичи, изоҳ ва луғатлар ҳам илмий-маърифий маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради.

Халқона услубда берилган изоҳларда илмий далиллар билан бир қаторда Раҳматулла Юсуф ўғли ёзиб олган афсона ва ривоятларнинг эл орасида тарқалган кўплаб вариантлари ҳам берилганки, бу совға ҳар бир адабиёт ихлосмандини бефарқ қолдирмайди. Ўқувчини халқ бадиий тафаккурининг олмос қатралари ила ошно қиладиган ушбу тўпламдаги яна бир жиҳат ундаги «Эл дея эл оралаб» сарлавҳали мақола моҳиятида ҳам кўзга ташланади. Буни китоб муаллифлари биргаликда ёзишган. Мақолада тадқиқотчилар Раҳматулла Юсуф ўғлининг фидойилигини, ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб, унинг кўнгил билан мунозарага киришганини, ундан олам-олам маъно топгани ҳақидаги сатрларни ҳам битадиларки, бу билан у бошқа шунга ўхшаш китоблардан жиддий фарқ қилади. «Боболардан қолган нақллар» китоби адабиёт ихлосмандларининг маънавий бойлиги бўлиб қолади.

Ғофур ЭШМОНОВ,
Абдурахмон ПИРИМҚУЛОВ,
тадқиқотчилар

Aks sado

ТАКЛИФИМИЗ БОР

Биз Марғилон шаҳридаги 23-ўрта мактабда ишлаймиз. «Маърифат» газетасини диққат билан кузатиб, ўқиб борамиз. Мактабимиз «Одобнома» фанидан республика тажриба-синов майдончаси ҳисобланади.

Газетанинг 10 апрель сонида босилган Ҳ.Тўйчиевнинг «Тарбия соатлари тарбиялайдими?» номли мақоласини ўқиб чиқдик. Мақоладаги жуда кўп фикрларга қўшилган ҳолда биз ҳам ўз фикримизни билдиришга жазм этдик.

Ҳозирги кунда синов синфидаги ўқувчиларимизнинг ўзлаштириши, давомати, одоби, катталарга, оила аъзоларига ҳурмати бошқа ўқувчилардан фарқ қилади. Боиси, улар шу дарс асосида меҳр-муҳаббат, инсонийлик, ватанпарварлик, умуминсоний қадриятларга садоқатни, маънавиятни хуллас, инсонийликни ўрганишмоқда.

Фикримизча, (юқори синфларда) бу дарсни синф раҳбари эмас, шу фанга жону дили билан қизиқадиган, мактабда узоқ йиллик тажрибага эга бўлган мутахассис ўқитувчи олиб борса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки бир соатлик маънавият ёки одобнома дарсига тайёргарлик кўришда ўқитувчи жуда кўп манбалардан фойдаланишига тўғри келади. Бунинг учун ҳар бир фан ўқитувчиси, яъни синф раҳбари табиийки, алоҳида вақт ажратолмайди. Натижада эса...

Таклифимиз: синф раҳбарлари синф билан яқин алоқада бўлишлари учун ҳар ҳафтада бир марта синф соати ўтказиб, ўқувчиларнинг ҳафталик ҳисоботларини тинглаши, келгуси ҳафта режаларини ишлаб чиқишлари мумкин (бу албатта синф раҳбарлик доирасида, дарсдан ташқари пайтда).

Тарбия соатларининг режаси эса мазмунан одобнома фанининг режасига яқин. Шунинг учун «Одобнома» фанига ҳафтада 2 соат вақт ажратиб, инсоншунослик илми ўқувчиларга сингдириб борилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки 9-синфни тугатиб, касб-ҳунар коллежи ёки академик лицейларга йўл оладиган ҳар бир ўқувчи энг аввало садоқатини, вафони, масъулиятни, меҳрни, муҳаббатни, гўзаллик ва эзгуликни тушунадиган, мустақил фикр юрита оладиган инсон бўлиши шарт. Бу эса ҳурматли Президентимиз И.Каримовнинг: «Бизга битирувчилар эмас, мактаб таълим-тарбиясини кўрган шахслар керак» деган ибораларига ҳамоҳанг бўлган бўлар эди.

М.МАҲМУДОВА,
Марғилон шаҳар А.Қодирий номидаги 23-ўрта мактаб ўқитувчиси

Тошкентдаги « Сув ўтказгич тармоқлари» бошқармасига қарашли «Зилола» соғломлаштириш оромгоҳида бошқарма ходимларининг 300 нафардан ортиқ фарзандлари мароқли ҳордиқ чиқармоқдалар.

Суратларда: оромгоҳ ҳаётидан лавҳалар.

Р.АЛЬБЕКОВ олган суратлар.



Insho

ФИКРЧАН ШЕЪРИЯТ

Жамият ҳаётининг долғалари ҳамма замонларда ҳам шеърият аҳли юрагида акс этган ва ҳар бир шоир буни ўзича талқин қилган. Мен шоирлар ижодини бетакрор, ўзига хос юлдузларга ўхшатаман. Ана шу юлдузлар орасида шундайлари ҳам борки, улар ўзининг жозибаси билан Зуҳро каби ажралиб, одамларни тўғри йўлга ундаб туради. Шундайлар сирасига мен Эркин Воҳидов ижодини киритган бўлардим.

Эркин Воҳидов ижоди ҳамиша бизларни ром этиб келган. Унинг асарлари фикрларнинг теранлиги, ахлоқийлиги, бадиий етуклиги билан одамлар олқишига сазовор бўлмоқда. Шоир эса бу олқишларга камтарлик билан:

Эл устозим, мен эса — толиб!
Сўз дурларин термоқдир ишим.
Одамларнинг ўзидан олиб,
Одамларга бермоқдир ишим,

дея жавоб қайтаради.

Шоир ўз ижодида тиним билмайди:

Йўқ, ҳаловат истамайман,
Ором билмас менинг жоним.
Тўлқин урган уммонча бор
Юракдаги туғёним.

Эркин Воҳидов шеърлари Она сайёрага, элюртга, Ватанга, инсониятга меҳр-муҳаббат билан суғорилган. Масалан, «Садоқат» шеърини олсак, унда Ватанга муҳаббат, соғинч акс этганини кўрамиз:

Ниҳоят, гурс этиб ерга қулади,
Бутаб, сўнг кўтариб кетдилар,
бироқ —
У ўз панжасида олиб жўнади
Яшаган еридан
Бир сиқим тупроқ.

Шоир дастлаб ҳаёт, гўзаллик, ёшлик, муҳаббатни тараннум этади. Ёшлик, муҳаббат сурурини тўлиб-тошиб куйлайди:

Ёшлигим, кел, куйга тўлган
Қалбим олтин қози бўл.
Мен қўшиқ айтай тўлиб,
Бир лаҳза жўр овозим бўл.

Шоир мумтоз шеърият намоёндалари каби муболағани усталик билан қўллайди:

Сени ётлар тугул ҳатто
Қилурман рашк ўзимдан ҳам.
Узоқроқ термулиб қолсам
Бўлурман ғаш кўзимдан ҳам.
Кўзим ёнгай сенга наргис
Кўзин тикса чаманларда,
Яширмам лолага рашким
Аён бўлғай юзимдан ҳам.

(«Рашким»)

Бора-бора шоир ижодида романтик жўшқинлик, ҳаётсеварлик туйғулари ёнига жиддий реалистик кузатишлар келиб қўшила бошлади. Шоир ҳаётни мадҳ этиш билан чекланмай, унинг туб моҳиятига, ички зиддиятларига ҳам нигоҳ ташлайди. «Инсон», «Арслон ўйнатувчи», «Истанбул фожеаси» асарлари бу жиҳатдан шоир ижодида олға ташланган қадам бўлди.

Эркин Воҳидовнинг кейинги асарлари ростгўйлиги ва самимийлиги билан фарқ қила бошлади. Шоир ижодида туб бурилиш рўй берди. Масалан, «Арслон ўйнатувчи» шеъридаги инсон ва ҳайвон ўртасидаги диалог орқали шоир ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатини намоён қилади:

Исён қилма, биродар,
Чарх олдида иккимиз ҳам
Асли баробар.
Асли арслон ўйнатаман,
Гарчи мен — одам,
Ой сўнггида қанд кутаман
Хўжайиндан мен ҳам.
Гоҳ жонимдан ўтса зулм,
Наъра тортаман,
Лекин бундан
Фақат бошга бало орттираман, —

дея шоир эрксизликни қоралайди, қарамликни фош қилади.

Инсон яшаб келаётган экан, у эркин фикрлаши, бировга қарам бўлмаслиги ва буларнинг замирида доимо эзгулик ётиши зарур. Эркин Воҳидов шеърлари бизни айнан шунга даъват этиб келаяпти. Мен у кишига Оллоҳдан ижодий муваффақиятлар сўраб қоламан.

Жамшид САЪДИНОВ,
Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат лицейининг битирувчиси

Milliy kurash

БИЗНИНГ ПОЛВОНЛАР ҚАНДАЙ ПОЛВОН?

Жума Тошпўлатов Сурхондарёнинг Шерободидан. Ўзига хос номдорлиги шундаки, Сурхондарё вилоятида биринчи бўлиб спорт усталигига эришган. Кучи кўй-п бўлсада, собиқ совет жамиятининг миллатчилик исканжасида роса сиқилган. Полвонликни ҳақиқий санъат деб тушунади. Ҳозир Термиз Давлат Университетининг жисмоний тарбия факультетида ишлайди. Иккаламиз кураш бўйича мамлакатимизда ўтказилган илк жаҳон чемпионатидан сўнг суҳбатлашган эдик. У киши айтган фикрларнинг нафи полвонларимиз учун айни муддао деб ўйлайман.

— Жума ака, келинг суҳбатимизни ўзимизнинг полвонлардан бошлайлик. Уларнинг ҳаммасини биласиз. Сизнингча энг зўри ким?

— Мен полвонларни кучига қараб эмас, зотига, авлодига қараб ажратаман. Биласизми, полвонлик аслида охирига етиб бўлмайдиган илм саналади. Сиз полвон бўламан деб роса шуғулланинг, агарда зотингизда, қонингизда курашчининг нуқси бўлмаса узоққа боролмайсиз. Полвонликда жуссаи-камол кучидан кўра азалий қудрат муҳим ўрин тутади. Бизнинг полвонларимиз орасида бундайлар кўп.

— Сиз айтган илоҳий қудратдан истаган пайтда фойдаланиш ва ёки инкор этиш мумкинми?

— Мумкин албатта. Фақат ғирромлик, беписандлик қилмаслик шарти билан. Қадимда Бухорода шундай бир полвон ўтганки, у курашдан олдин кийган желагини курашиб бўлгач, эгнидан доимо қирқиб олган. Унда табиий куч бўлган. Курашган сайин бадани шишиб кетаверган. Онадан туғилганда елкасида беш бармоқнинг изи бўлган.

Сиз сўрагандек, полвон томирлари тўлиб келган илоҳий қудратни қайтариш ҳам мумкин. Аммо бунинг зарари бор. Руҳ ўла бошлайди. Имконият қисқариб кетади.

— Илоҳийлик сирлари фақатгина бизнинг полвонларга тегишлими ёки бошқа халқларга ҳам алоқадорми?

— Ҳаммага тегишли. Фақат ўша имкониятларни сезиш, қадрига етиш шарт.

— Полвонлар характеридаги ҳалоллик, мардлик ёки бўлмаса ғирромлик, бефарқлик белгилари нималарнинг аломати?

— Қисқача қилиб замоннинг зайли десак ҳам, саводсизлик десак ҳам бўлаверади. Бироқ катта полвонлар ҳеч қачон ғирромлик қилишмайди.

— Сурхондарёда кураш ҳамиша зўр ўтади, дейишади?..

— Сурхондарёда ҳаммани полвон десам ҳам бўлади. Улар ғирромликка чидай олмайди. Курашни ўртадаги ҳакам ёки баковул эмас, халқ бошқаради. Ўрисми, қозоқми, жуҳудми, ўзбекми фарқи йўқ. Ҳақиқий зўрни ғолиб деб топишади. Шундай пайтлар ҳам бўлганки, жаҳон чемпиони Собир Қурбонов бир пайтлар Сурхондан ноқулай бўлиб қайтиб кетган. Ҳаттоки Тошкемир Муҳаммадиев, Эрали Маҳмарасуловлар ҳам кўп дакки еган. Сурхонда одат шунақа — ғирром полвон ўртадан ҳайдаб чиқарилдими бас, токи кечирилмагунча қайта курашларга қўйилмайди.

— Енгил вазнли полвонларимиз билан оғир вазнли курашчиларимизнинг ўртасида қанақа боғлиқлик ёки айрича томонлари бор?

— Оғир вазнли полвонларимиз, тўғрисини айтганда, халққа ҳам, Оллоҳга ҳам яқинроқ. Қадимда ота-боболаримиз чунонам бақувват бўлганки, шунинг учун ҳам курашлар вазн тоифасида эмас, балки оғирлик ўлчовисиз ўтказилган.

Енгил вазнли полвонларимиз эса кўпроқ тинимсиз машқ, шуғулланиш эвазига куч тўплашади. Уларнинг кенг имконияти шундан иборатки, тез ва чаққон ҳаракат қилишади. Ўттиз ва ундан юқори ёшда ҳам бемалол курашса бўлади.

— Болалигингизга қайтсак, курашни қачондан бошлаб ўзингизда кашф қила бошлагансиз?

— Тўғриси, менинг полвонлигимни ўқитувчиларим кашф этган, десам муболаға бўлмайди. 7-8-синфларда ўқиб юрган пайтларимда ўқитувчиларим мени тўйларда ўзи билан олиб кетиб роса кураштирар эди. Асосан қумда олишардик. Кейинчалик Фарид полвон, Шодмон полвон, Юсуф полвон, Норбой полвонлар билан танишдим. Курашни тобора чуқурроқ тушуна бошладим. Бироқ алам қилади — собиқ совет жамияти юртдошларимиздан мен тенги полвонларнинг кўпига азоб берди. Рақибни чигиртқадек улоқтириб ташласак ҳам иттифоқ қобиғидан чиқиб кетолмасдик.

— Кейинчи?

— Жаҳон чемпионатларида курашиш насиб этмади. Ҳозир эса замон бошқача. Полвон укаларимга ҳавас қиламан...

— Олий маълумотни қаерда олдингиз? Полвонликни бетакрор санъат, охирига етиб бўлмайдиган илм сифатида қачондан ўргана бошладингиз?

— 1962 йилда Тошкентдаги жисмоний тарбия институтини ўқиб тугатдим. Сурхондарёдаги жисмоний тарбия техникумига ишга кирдим. Бор кучимни полвонлик илмига сарфладим. Бироз ютуққа эришгач, вилоят спорт қўмитаси раиси бўлдим. Вақти келиб Термиз университетига таклиф қилишди. Бу ҳам мен учун улкан имконият бўлди. «Сурхон полвонлари» деб номланган китобни чиқардим.

— Фарзандларингиз нега полвонликни танлашмади? Ёки сиз қўрқдингизми?

— Нимадан қўрқаман. Улар қизиқишмади, мен мажбурламадим.

— Биз ўзбекларнинг чин кўнглимиздаги ҳақиқий полвонни айнан шу бугунги кунда ким тарбиялайди?

— Аввало, ота тарбияси муҳим. Қолаверса, полвонлик атроф-муҳитта, замондошлар дунёқарашига ҳам боғлиқ. Шунингдек, ҳозир мавжуд шароит билан ҳам ҳисоблашмай иложи йўқ. Йигит ҳалол, мард бўлса, изланса, сабр-бардошли бўлса барибир мақсадига эришади. Энг муҳими, биз кимлигимизни сира унутмаслигимиз шарт. Бугунги Баҳромдан, Эралидан, Акобирдан, Тоштемирдан, Камол полвондан, Муҳаммадўстдан фақат илиги пишиқ, юртпарвар ўғлонлар дунёга келиши табиий.

— Курашимизни 50 йилдан сўнг қандай ҳолда бўлади, деб ўйлайсиз?

— Юзлаб жаҳон чемпионига эга бўламиз.

Нормурод МУСОМОВ суҳбатлашди.

Muzeydagi saboq

МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ МАСКАНИ

Инсон камолотга муттасил тарбия ва билим орқали эришади. Худди шунингдек, олий мактабда мутахассис кадрларни шакллантириш ҳам муайян маънавий омилларга боғлиқдир. Президентимиз И.Каримовнинг «Ўзбекистон XX1 асрга интилмоқда» номли маърузасида ёш мутахассисларни маънавий тарбиялашга алоҳида эътибор берилади. Шу муносабат билан ТошДУда маънавий тарбияни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш мақсадида республикамиз музейларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Маънавият асосларидан машғулот олиб борувчи домламиз, профессор Маҳмуджон Нурматовнинг ташаббуси билан бу саъй-ҳаракат ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Ҳақиқатдан ҳам, биз, журналистика факультетининг талабалари, Темурийлар тарихи давлат музейи, Алишер Навоий номидаги республика Адабиёт музейи, Республика халқ амалий санъати музейи сингари маънавият масканларида амалий машғулотлар ўтказиб, миллий маънавиятимизнинг фахр бағишлайдиган илдизлари ва нурли анъаналарини ўз кўзимиз билан кўрдик. Ўн марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, деган мақолнинг ҳаётий маъносини англаб, ўз шахсий маънавиятимиз учун ҳар биримиз янгидан-янги манбалардан бойлик топа бошладик.

Шуниси эътиборлики, республика музейларидаги бу хил маънавият сабоқлари ТошДУнинг ўзбек филологияси, тарих ва фалсафа факультетининг талабалари билан ҳам ўтказилади. Масалан, мен ўзим учун республика адабиёт музейида улуғ ўзбек мусаввири Чингиз Аҳмаров томонидан яратилган Навоий лирикасига бағишлаган маҳобатли деворий суратни ҳамда «Етти гўзал» туркумидаги асл тасвирий асарларни руҳан ўзлаштирдим. Айниқса, Увайсийнинг «Анор» чистонига атаб чизилган суратни кўриб, унга маҳлиё бўлиб қолдим. Бу суратда ифодаланган ижтимоий-эстетик мазмун, яъни Увайсий давридаги аёлларнинг ғам-андуҳлари менинг қалбимдан бир умрга жой олди ва мен беихтиёр ана шу мусибатномани бугунги мустақиллик давридаги ҳамда Аёлар йили билан боғлиқ бўлган ижобий воқеа ҳодисаларга қиёслаб, бугунги ҳаётимизга янгича меҳр билан қарай бошладим. Ва шу ўринда мамлакатимиз Президентининг 1998 йил 12 январдаги «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида маънавиятга доир олға сурилган янги ғояларнинг ниҳоятда ҳаётий эканлигини англадим. Чунки, шу Фармонда музейларимизнинг, ёш мутахассислар «маънавий-ахлоқий камолотида тутган ўрнини ошириш ва тарғиб қилиш, улардан халқимиз онгида миллий ғурур ва ифтихор, истиқлол ва ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида кенг фойдаланиш»га даъват этилган («Халқ сўзи», 1998 йил 13 январь)

Бу мулоҳазалардан чиқадиган асосий хулоса шуки, музейлар миллий маънавиятни бойитишнинг ва мутахассис кадрларни тарбиялашнинг ўзига хос ва Президент талабларига мос бўлган масканлардандир.

Бинафша ҚАЛАНДАРОВА, ТошДУ журналистика факультети талабаси

Xullas...

ЖЕКСОНЛАРНИНГ СУДДА «ЮРИШИ»

Машҳур қўшиқчи Майкл Жексоннинг тинчи бузилганига анча бўлди. Америка федерал судьяси Адрю Коллинз Майклнинг туғишган укаси Рандини қамоққа олиш ҳақида буйруқ берган. Унда таъкидланишича, Ранди «Модерн Рекордз Инкорпорейшн» компаниясининг 12 миллион долларлик акцияларини топиб келтирмагунча соқчилар таъқибида бўлади. Гап шундаки, «Модерн Рекордз» компанияси дисклар ишлаб чиқарадиган «NVV» фирмаси билан тузилган шартномада банкротга учради. Компанияга аъзо бўлганлар орасида Жексоннинг укаси ҳам бор эди.

Майкл укасининг қарзини тўлаш учун иккита «Роллс-ройс» автомобилини, омма орасида машҳур «Триллер» альбомига кирган қўшиқларга куй басталаган роялини сотиб юборишга мажбур бўлди.

СЕЙФ ИЧИДА ИЛОН

Ростов шаҳридаги қутқарув бўлимига қўнғироқ қилган кассир аёл шундай деди: «Донкомбанк»даги сейф ичида илон бор. Тезлик билан етиб келинглар!» Воқеа содир бўлган жойга қутқарувчилар етиб келишди. Герпетолог Андрей Емельянов буни шундай изоҳлади: «Қўрқманг, у маош олишга даъвогар эмас. Пулларингизни қўриқлаб турибди, холос».

Банк биносини синчиклаб текшириб чиққан қутқарувчилар илоннинг шериклари бор, деган хулосага келишди. Тахминларга қараганда, Москва кўчасида жойлашган 55-уйга кимдир урғочи илонни келтирган. Ертўлада бир неча йил ётган илон болалаб, ўзидан кўпайган. Улар 100 тача бўлса керак...

Илонлар билан одамлар орасидаги «олишув» хайрли тугармикан?

«ЗАҲАРЛАНГАН» БОЗОР

Вильнюс атрофидаги бозорлардан бирида 10 тонна турли хил моллар сотишга яроқсиз бўлиб қолди. Бунга сабаб таъқиқланган воситанинг бу ерга олиб кирилганидир.

Тетраэтилевинц деб аталувчи бу воситани фақат ҳайдовчилар бензин сифатини яхшилашда қўллайдилар. Тирикчилик-да... «Бундан яхшигина пул ишлайман» деб ўйлаган бир эркак эҳтиётсизликдан суюқлик турган икки банкани синдириб қўйди. Аввал бутун бозорга хушбўй ҳид тарқалди, сўнгра кимнингдир боши айланиб, кимдир қайт қилди.

Тўкилган суюқликнинг заҳарли эканлигини, афтидан, эгаси ҳам билмас экан. Ўзиям боши айланиб, йиқилиб тушаёзди.

Зудлик билан сотувчи ва харидорлар эвакуация қилинди. Шунча маҳсулот кимларнингдир рўзғорини эмас, ахлатхонани "бойитадиган" бўлди.

«ТУШУНГАН» ҚУШЛАР

Тозалик - соғликнинг гарови эканлигини қушлар ҳам «тушунишар» экан. Америкалик олимлар шуни қайд этишадики, чўғурчиқлар ўз уяларидан бир неча йил фойдаланиши учун уни тез-тез янгилайдилар. Ҳар йили ўсимлик ва буталарнинг шохлари билан янгиланган уя шу боис доимо пишиқ-пухта турар экан.

Қушлар ўз уясига бактерия ва паразитларни ҳам йўлатмаслик пайида бўлади. Эътибор берсангиз, қушларнинг уясида ахлат кўрмайсиз.

Бу ҳақда "Интернэшнл уайлдлайф» журнали қизиқарли мақола эълон қилган.

ana shunaqa gaplar...

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти ректорати ва жамоаси шу институтнинг табиий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси Ниғматулла Ҳикматовга акаси **Раҳматилла ҲИКМАТОВ** вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

«ФУТБОЛ ҒУНЧАСИ»

Тайлоқ туманидаги Амир Темур ўйингоҳида 1987-88 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида «Футбол ғунчаси» совғини учун Самарқанд вилояти биринчилиги мусобақаси бўлиб ўтди.

Ушбу мусобақада 8 та жамоа иштирок этди. Қизиқарли ва ҳаяжонли ўтган бу учрашувларда майдон эгалари—тайлоқлик ёш чарм тўп усталари Самарқанд туманини 4:3; Ургут тумани жамоасини 3:0; Каттақўрғон туманини 1:0; Боғишамол туманини 4:1; Пастдарғом тумани жамоасини 3:0 ва Нарпай туманини 3:1 ҳисобида енгиб, 21 очко жамғаришиб, бош соврин эгаси бўлдилар. Иккинчи ўринни Сиёб тумани ва учинчи ўринни Самарқанд тумани жамоаси эгалладилар.

Ғолиб ва совриндор жамоаларга вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда Тайлоқ тумани халқ таълими бўлими томонидан эсдалик совғалар топширилди. Энди ғолиб жамоа республика мусобақасида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилади.

М.АҲМЕДОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси

Sport

ЯНГИ БОШ МУРАББИЙ

Футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоасига вақтинчалик бош мураббий тайинланди. Бу масъулиятли вазифа «Самарқанд» жамоаси бош мураббийси Маҳмуд Раҳимовга топширилди.

БОСФОРДАН ҚАЙТИШ

Дзюдочиларимиз Туркиянинг Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган анъанавий 13-Босфор халқаро турниридан зафар билан қайтишди. Унда Рустам Юсупов (оғир вазн) олтин медални қўлга киритган бўлса, Воҳид Жўраев (81 кг) ва Дмитрий Каменский (100 кг) лар бронзали бўлишди.

ЧЕМПИОНЛАР МАЪЛУМ

Тошкентда баскетбол бўйича эркаклар ва аёллар жамоалари ўртасида Ўзбекистон чемпионати якунланди. Эркаклар баҳсида МҲСК ва аёллар жамоалари орасида Самарқанднинг «Автойўл» жамоаларига тенг келадиган рақиб топилмади.

ШАРҚОНА БЕЛЛАШУВ

Самарқанд шаҳрида Қозоғистон, Қирғизистон ва республикамизнинг 500 нафардан ортиқ спортчилари иштирок этган каратэ бўйича «Самарқанд кубоги» мусобақаси бўлиб ўтди. Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри вакиллари биринчи, Самарқанд вилояти иккинчи ва Андижон вилояти каратэчилари учунчи ўринларни эгаллашди.

«ҚАРИБ ҚУЙИЛМАГАН» ЛОТАР

Германия терма жамоаси ўйинчиси Лотар Маттеус ҳали-бери футболдан кетадиганга ўхшамайди. 39 ёшли «қария» ўз юртидаги ўйинларга чек қўйсада, АҚШнинг «Нью-Жерси Метростроз» жамоасида 2 миллион марка эвазига яна бир-икки йил тўп сурмоқчи.

maydonchasi

Ko'ngil bitiklari

ҲОЛАТ

Пишмаган ўриклар дув-дув тўкилар,
Водийнинг бу ажиб шамолларидан.
Узилган ўсмалар ҳар ён сочилар,
Қизларнинг хавотир жамолларидан.

Ўша тун тўй бўлса, шамол ўкирар,
Қишлоқнинг чекка бир хонадонида.
Йигит ва қизларнинг севгиси турар,
Эртанги кунларнинг нигоҳларида.

Пишмаган ўриклар дув-дув тўкилар,
Шамолнинг бешафқат азобларидан.
Ғувиллаб бир пасда чангу тўзонлар,
Орзулар оғушин кўкка учирар.

Қирсиллатиб эшик, деразаларни,
Гул-қишлоқни бир зумда чархпалак қилар.
Тугилган уйимнинг остоналари,
Қумлардан, хонадон тўлиб кетади.

Кечаги қурилган янги дарвоза,
Қўқон шамолидан синиб кетади.

Маъмура МАДРАҲИМОВА

ҲУРМАТЛИ АБИТУРИЕНТЛАР – ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТ БЎЛАМАН ДЕГАН АЗИЗ ЁШЛАР!

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида мамлакатимизда илк бор янги халқаро журналистика факультети ташкил этилди. Айни кунларда ушбу факультетга ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Факультетда таҳсил олишнинг эътиборли томони шундаки, талабалик бахтига мушарраф бўлган ёшлар бугун жамиятимиз ва давлатимиз учун ўта зарур халқаро журналист касбини мукаммал эгаллаш имкониятларини қўлга киритадилар. Шунингдек, бу даргоҳда халқаро журналистлар учун аҳамиятли — инглиз, немис, француз, испан, араб, хитой, япон тиллари чуқур ўргатилади.

Азиз йигит-қизлар? Мабодо сизда халқаро журналист бўлиш орзуси ва ишончи туғилган бўлса, фурсатни қўлдан бой бермай ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультетига ҳужжатларингизни топширинг. Бу ўз истеъдодингиз ҳамда орзуларингизни рўёбга чиқариш йўлидаги имкониятдир!

Мурожаат учун телефонлар: 43-35-09, 75-89-55, 75-55-57.
Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Решетов кўчаси, 4-уй
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети
(собиқ рус тили ва адабиёти институти) 35-, 20-автобуслар

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ С. Ҳ. СИРОЖИДДИНОВ НОМИДАГИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ 1999-2000 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Академик лицейга республикамиздаги барча мактабларнинг 9-синфини «аъло» ва «яхши» баҳоларга битирган иқтидорли ўқувчилар қабул қилинади.

Академик лицейда қуйидаги йўналишлар бор:

I. Физика-математика
II. Иқтисод
III. Кимё-биология
IV. Ижтимоий гуманитар фанлар (тарих ва она тили)

Академик лицейда таълим ва тарбия олиш учун барча имкониятлар мавжуд. Машғулотларни университетнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари ва лицейнинг малакали ўқитувчилари олиб боради.

Академик лицейга кирувчилар 20 июндан 31 июлгача қабул қилинади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатлар топширадилар:

1. Директор номига ариза.
2. 9-синфни битирганлиги ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси).
3. Тиббий маълумотнома (086 форма ва эмланганлиги ҳақидаги маълумотнома).
4. Турар жойидан маълумотнома.
5. Ота-онасининг иш жойидан маълумотнома.
6. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхаси.
7. 6 дона 3х4 ўлчамли фотосурат.

Танлов шарти:

Танлов тест асосида 1-10 август кунлари ўтказилади.

Академик лицейда овқатланиш ва ётоқхонада яшаш пуллик.

Манзилимиз: *Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 9-мавзе, 33-уй.*

Телефон: *78-78-76.*

2-, 13-, 33-, 77-, 116-автобуслар, 4-,9-трамвайлар, 8-троллейбуснинг «Чўпон ота» бекати.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОЕВ, Алишер НАЗАРОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-0549. Тиражи 24.564.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди — 19.30.